



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2020 yil « 30 » июнь

№ПК–4766

Табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Китоб давлат геология қўриқхонаси давлат муассасаси ҳудудидаги асрлар давомида шаклланган ноёб табиат ёдгорликлари ҳамда девон даврига мансуб халқаро эътироф этилган “Зинзилбан” кесмасининг геология фанида тутган ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳудуднинг геотуризм ва иқтисодий салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Китоб давлат геологик қўриқхонаси давлат муассасаси негизида табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тасарруфидаги Китоб давлат геология қўриқхонаси давлат муассасаси негизида табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси шаклидаги Китоб геология миллий табиат боғини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 30 июндаги ПҚ-4766-сон қарорига
илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги ПҚ-3067-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига асосан давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат мулки объектлари рўйхатининг 165-бандидаги “Китоб давлат геология кўриқхонаси” ДУК” сўзлари “Китоб геология миллий табиат боғи” табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3578-сон қарорига 4-иловадаги “Китоб Давлат геология кўриқхонаси” сўзлари “Китоб геология миллий табиат боғи” табиатни муҳофаза қилиш давлат муассасаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

